



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 11 июль, № 141 (9036)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш шароити, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.



Бу сафарги йўналиш Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларини қамраб олди. Уларни Бунёдкор кўчаси боғлаб туради. Ушбу марказий кўчада санъат ва маданият масканлари, турли идоралар, кўп қаватли уйлар, супермаркет ва ресторанлар жойлашган. Бу салоҳиятдан фойдаланиб, унинг 1,5 километр қисми хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ердаги шaroитларни кўздан кечирди. Йўл бўйи обод қилинган. Ажойиб ландшафт дизайни, фавворалар, турфа чироқлар худудга янада кўрк бағишлаган. Одамлар сайр қилиши, овқатланиши, мазмунли дам олиши учун барча қулайлик яратилган.

Шу мақсадда бу ердаги 90 та тадбиркорлик субъекти туну кун ишлаш тартибига ўтказилди. Шундан 45 та корхона янги ташкил этилди. 500 киши иш билан таъминланди. Кўчага ёндош худуддаги Камолон, Янги Камолон

ва Камолон дарвоза маҳаллаларида 18 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ўзгаришлар, аввало, шу инсонлар турмушида сезилади. Қолаверса, ҳозир бу жойга йилига 255 минг меҳмон ташриф буюрмоқда. Энди уларнинг сонини йилига 1 миллионга етказиш учун шароит бор.

Сўнгги йилларда юртимизда туризм соҳасида 2 мингдан ортиқ янги тадбиркорлар иш бошлади. Утган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди. Худудларда саёҳат ва сервис инфратузилмаси яхши ривожланаяпти. Туризм қишлоқлари, меҳмон уйлари, гастрономик кўчалар кўллаб-қувватланаяпти.

Пойтахтимизнинг Миробод, Олмазор, Чилонзор, Яккасарой, Янгиҳаёт туманларида шундай гавжум кўчалар ташкил этилган. Бунёдкор кўчаси мазкур туризм халқасининг бир қисми бўлади. Умуман, Тошкент шаҳрида 26 та кўчани туну кун ишлайдиган гавжум кўчага айлантириш, 24 соат ишлайдиган савдо нуқталарини

мингтага кўпайтириш режалаштирилган.

Шу ерда замонавий бекатлар ҳамда автотураргоҳлар тақдироти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалласида бўлди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар “нафаси” ҳар бир худудга кириб борапти. Аҳоли бандлиги ва турмуш маданиятига қаратилаётган эътибор ушбу маҳаллада ҳам намоён. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга. Ички йўллар текислаиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нурунийлар оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилган.

Янги Камолон маҳалласида 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 60 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил ҳунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий

тиббиёт пункти очилди. Натижада маҳалла ишсизликдан холи худудга айланди.

Шу ерда Шайхонтоҳур тумани “Ислохотлар шабб” фаолияти тўғрисида ахборот берилди.

— Шайхонтоҳурда ҳунармандчилик азалдан мавжуд бўлган. Бугун ҳам туманда одамларни иш билан, даромад билан таъминлашда бу катта манба. Шунинг учун Шайхонтоҳур мисолида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича янги чора-тадбирлар режасини қабул қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла инспектори хонасида ситуацион марказ ташкил этилган. Унга кўп қаватли уйларнинг йўлакларидagi қузатув камералари ва ички ишлар тизимининг хавфсизлик дастурлари боғланган. Бу йил маҳаллада биронта ҳам жиноят содир бўлмаган.

“Янги Камолон” бошқарув сервис компанияси маҳалладаги 21 та кўп қават-

ли уйга хизмат кўрсатади. Усталар ва махсус техникалар доим шай ҳолатда. Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Бу йил марказий иссиқлик қувурлари изоляция қилинди, электр тармоқлари ва уйларнинг йўлакларини таъмирланди. Айрим уйларга янги лифтлар ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари келгусида бошқарув сервис компанияси биноларини кўп қаватли қилиб қуриб, ёшлар учун касб-хунар ўқувлари, маиший хизмат шохобчаларини жойлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бу ердагидек кичик кутубхоналарини бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла айвонида аҳоли билан самимий суҳбат бўлди.

— Сўнгги йилларда кўп корхоналар очилди, иқтисодиёт ўсаяпти. Шу билан бирга, ёшларимиз ҳам етишиб келяпти. Уларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи, иш ўринларини ҳозирдан ўйлашимиз керак. Шунинг учун бу йил Тошкент шаҳрига 8 миллиард доллар инвестиция олиб келямиз. Бунинг ҳисобидан Шайхонтоҳурда ҳам янги-янги иш жойлари, таълим масканлари, инфратузилма иншоотлари яратилади, — деди Президент.

Нуруний отахон ва онахонлар юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилишди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига борди.

Мамлакатимизда ижтимоий давлат, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Ушбу қадриятлар асосида барча худудда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, меҳр ва кўмак тизими аҳолига яқинлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

«Korea Import Fair 2025»:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ПАВИЛЬОНИ – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

7 — 9 июль кунлари Сеул шаҳрида жойлашган “COEX” кўргазмалар марказида “Korea Import Fair 2025” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Унда Ўзбекистон тадбиркорлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Тадбирда 100 дан ортиқ давлатлардан 1500 дан зиёд тадбиркор, ишлаб чиқарувчи ва бизнес вакиллари қатнашди.

Ушбу кўргазма Жанубий Корея бозорига импорт маҳсулотларини олиб кириш, янги савдо шерикларини топиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим платформа вазифасини бажарди.

Ўзбекистон мазкур иқтисодий анжуманда “Made in Uzbekistan” бренди остидаги миллий экспозиция билан иштирок этиб, 9 та алоҳида стенд орқали мамлакатимиз-

нинг экспорт салоҳияти ва миллий маҳсулотларини намойиш қилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ етакчи ўзбек экспортёрлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Миллий стенд таркибида қурилган мевалар, ёнғоқ, шарбатлар, консерва маҳсулотлари, ширинликлар, ўсимлик ёғи ва бошқа қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилди. Ушбу маҳсулотлар ўзининг юқори сифати, табиийлиги ва экспортбонлиги билан харидорлар, дистрибьюторлар ва импортёрлар томонидан катта қизиқишга сабаб бўлди.

Ўзбекистон стендига Корея Республикаси ҳукумати вакиллари, хо-



рижий дипломатик корпус раҳбарлари, маҳаллий ва халқаро бизнес доиралари вакиллари ташриф буюрди. Улар Ўзбекистон маҳсулотларига юқори баҳо бериб, сифат ва талабга жавоб берадиган даражада эканини таъкидлашди.

Қайд этиш жоизки, ушбу тад-

бир нафақат Жанубий Корея, балки жаҳон бозорига ҳам юртимиз маҳсулотларини олиб чиқиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан яқин муносабатлар ўрнатишга хизмат қилди.

«Дунё» АА.
Сеул

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги шу мамлакатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини, унинг энг муҳим манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам сиёсий-ижтимоий замин ва куч-қудрат манбаидир.

Ҳеч шубҳасиз, 1991 йил 31 августда мард ва олийжаноб халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий истиқлолимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги тарихий шароитда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда “Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ана шундай улкан аҳамиятини инobatга олиб, миллий истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган **“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган байрам тадбирларининг ғоявий-бадий концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ маъқулансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) тузилсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссияси (А.Арипов):

а) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами (кейинги ўринларда — Мустақиллик байрами) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланишни таъминлаш учун Концепциянинг асосий маъно-мазмун ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқиши ва бажарилишини таъминласин;

б) жойларда Мустақиллик байрамининг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намояндалари, ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, спортчилар, жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб берсин;

в) мазкур йўналишда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Республи-

ка комиссияси йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирларининг дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, бастакор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Мустақиллик байрамига бағишланган чора-тадбирларни амалга оширишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича саккиз йил олдин бошлаган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бораётгани;

б) қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисодиёти шиддат билан ўсиб, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, мўқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани;

в) янгиланган Конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон тобора инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улғуланадиган ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, бандлиқни таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари катта ижобий натижалар бераётгани;

г) таълим соҳасидаги ислохотлар илгари тарихимизда мисли қўрилмаган улғуришларга олиб келаётгани, мактабгача таълим тизимида камров 2017 йилдаги 27 фойиздан ҳозирги пайтда 77 фойизга, олий таълимда эса 9 фойиздан 42 фойизга етгани, юртимизда ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар ва Президент мактаблари каби янги моделдаги мактаблар тизими пайдо бўлгани;

д) соғлиқни сақлаш, илм-фан, IT, маданият, адабиёт ва санъат соҳалари ривожига ҳам катта эътибор берилаётгани, Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешталикдан жой олгани, футбол бўйича 17 ёшгача ўсмирлар жамоамиз, шунингдек, миллий терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатига йўлангани қўлга киритгани;

е) **“Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”** деган шиор остида навқирон авлодимизнинг замонавий билим ва касб-хунарлар, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, истеъдод ва қобилиятини рўбга чиқаришлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берилаётгани, бунга жавобан ўғил-қизларимиз турли соҳаларда дастлабки қувончли ютуқларга эришаётганлари;

ж) кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз жадал суръатлар билан обод бўлиб бораётгани, “Янги Ўзбекистон” уй-жой маззеларини барпо этиш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, smart ва инновацион шаҳарсозлик асосида янги шаҳарлар барпо этилиб, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланаётгани;

з) кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити — бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

и) **“Армия ва халқ — бир тану бир жондир!”** деган шиор асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салохиятини ошириш, мард ва жасур аскар ва офицерларимизнинг жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар амалга оширилаётгани;

к) Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик, ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини кучайтиришдаги ўрни ва нуфузи ортиб, янги босқичга кўтарилаётгани;

л) Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятида очик, демократик ва дунёвий давлат сифатидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюмлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирининг дастури ва сценарийсини Концепция асосида ишлаб чиқсин ҳамда уни юксак ғоявий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

б) Бадий академия, Ёзувчилар уюмлари, Журналистлар уюмлари билан биргаликда **“Она диёр — ранглар жилоси”, “Ватан учун яшайлик!”**, **“Энг улуг, энг азиз”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

в) Композиторлар ва бастакорлар уюмлари Ёзувчилар уюмлари билан

биргаликда юртимиз истиқлолини тарабдорлиги билан **энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари** танловларининг якуний босқичини ўтказсин;

г) мазкур танловларнинг **ғолиб ва совриндорларини** Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиш ва тантанали равишда тақдирлаш чораларини кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги хомийлик хайриялари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 10 июль

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказда 12 тоифадаги муҳтож инсонларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Бунинг учун муассасада замонавий шароитлар яратилган. Мурожаатларни қабул қилиш, эҳтиёжни баҳолаш, хизмати белгилаш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари инсонларга қулай тарзда йўлга қўйилган.

Энг муҳими, эндиликда вазифа бир марта ёрдам билан тугамайди. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг кейинги ҳолати, ўзини ўнглаши ҳам мониторинг қилиб борилади. Мазкур барча жараён рақамлаштирилган ва дахлдор ташкилотлар билан боғланган.

Шайхонтоҳурдаги марказда 25 нафар мутахассис ҳамда маҳалларда 51 нафар ижтимоий ходим фаолият кўрсатмоқда. Ногиронлиги бўлган болалар ва шахслар, ёлғиз кексалар билан манзилли тарзда иш юритилмоқда.

— Бу ер ҳар бир инсоннинг дарди билан яшайдиган, уларни рози қиладиган даргоҳ. Бу тизим орқали жамиятимизда ижтимоий адолат, инсон қадрини қарор топади, — деди Президентимиз.

Шу ерда давлат-хусусий шериклик асосида “Имкониятлар олами” муассасаси ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Муассасада 3 ёшга га гўдаклар учун эрта аралашув, ногиронлиги бўлган болалар учун ижтимоий мослашув ва реабилитация, шунингдек, кундузги парвариш ва қараб туриш хизматлари ташкил этилган. Ҳозирда бу 80 га яқин инсоннинг оғирини енгил қилмоқда. Уларга 12 нафар малакали ходим меҳр-эътибор кўрсатмоқда.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги саноат ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мазкур ҳудуд Бешкўрғон ва Тирсақобод маҳаллалари ҳудудида жойлашган бўлиб, 320 гектар майдонни эгаллаган. Кичик саноат зонаси мақомидаги ушбу мажмуа Президентнинг 2023 йил 3 июлдаги қарори асосида ташкил этилган. Унга мувофиқ транспорт, муҳандислик-коммуникация ва йўл инфра-

тузилмасининг яхшилангани саноат ва тадбиркорлик ривожига замин яратди.

Бу ерда халқаро стандартларга мувофиқ энергия тежамкор, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Ҳозирги кунда бундай корхоналар сони 531 тага етди. Уларда яратилган иш ўринлари сони эса 20 мингтага яқинлашди. Йиллик ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам кам эмас — 6 триллион 800 миллион сўм. Жорий йилда ҳудуддаги 50 та корхонада 180 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Илгари Чилонзорда ҳеч қачон бундай кўрсаткичлар бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуддаги “Tarlerplast” корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион доллар. Корхонага Европанинг етакчи компанияларидан 12 турдаги замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Натижада бу ерда йилга 90 минг тонна темир қувур ва пўлат профиллар ишлаб чиқариш имкони яратилди. Бу маҳсулотларни пулга қаққандан 900 миллиард сўм дегани. Корхонада 120 га яқин кишилар доимий иш билан таъминланди.

Аҳамиятлиси, юқори босимга ва ташқи таъсирларга чидамли қувурлар тури, ҳажми ва нархи бўйича рақобатбардор. Бунинг тасдиғини ўтган йили 4 миллион долларлик маҳсулот Россия, Қозғоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинганида ҳам кўриш мумкин. Энди сотув географиясини янада кенгайтириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур индустриал ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмасини кўздан кечирди. Яқин истиқболдаги саноат лойиҳалари тақдирот қилинди.

Жумладан, кўп қаватли ишлаб чиқариш биноси ва мономарказ ташкил этилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида ҳудудда яна 100 та янги лойиҳа амалга оширилади, қўшимча 3 мингта иш ўрни яратилади. Лойиҳалар қурилиш, фармацевтика, электротехника, полиграфия, автомобилсозлик, тивув-

трикотаж ва қандолатчилик каби йўналишларни қамраб олган.

Президентимиз тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш, иш ўринларини кўпайтириш ҳамда хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги индустриал ҳудудда жойлашган “Eman materials” корхонасида ҳам бўлди.

Бугун дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида, аввало, ички имкониятлардан фойдаланиш, энг кўп иш ўрни яратадиган соҳаларни ҳимоялаш зарурати туғилмоқда. Мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ана шундай соҳалар сирасига киради. Уларда бир миллион нафарга яқин аҳоли ишламоқда.

Жумладан, мебелсозликка ихтисослаштирилган 7 минг 500 та корхона фаолият юритмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебел экспорт қилинган.

Хоразм вилоятининг Хонқа тумани таърибаси асосида бошқа жойларда ҳам мебелчилик марказлари ташкил этилмоқда. Соҳадаги тадбиркорларнинг чет элдан ҳомаше, фурнитура ва аксессуар олиб келиши, экспорт бозорларига чиқиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Чилонзор туманидаги индустриал ҳудудда мебелсозликка ихтисослаштирилган ўнга яқин ширкатлар бор. “Eman materials” корхонаси ташаббускорнинг 10 миллион доллар маблағи эвазига ташкил топган. Бу ерда йилга 10 минг тонна фурнитура ва мебелсозлик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда. Улар кооперация асосида юртимиздаги минглаб корхоналарга етказиб бериляпти. Энди экспортга чиқариш ҳам режалаштирилган.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Аҳамиятлиси, шу ернинг ўзида мебелсозлик ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Бунинг учун Италия ва Туркия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган.

Шунингдек, корхона томонидан

буюртма асосида мебел ишлаб чиқариш, лойиҳалаштириш, кесиш, ускуналарни таъмирлаш каби қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади.

Мажмуада кўрғазма зали ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда пойтахтдаги номдор — бренд маҳсулотлар бир жойга жамланган. Бу тизим сотувчи, хизмат кўрсатувчи ва оловчига қулайлик яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечириб, мутахассислар билан суҳбатлашди. Мебелсозлик тармоғида маҳаллийлаштириш ва қўшилган қиймат яратиш бўйича ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имконият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ерда Чилонзор туманида ташкил этилган “Ислохотлар штаби” фаолияти ҳақида ахборот берилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва мебелсозлик тармоғида маҳаллийлаштириш ва қўшилган қиймат яратиш бўйича ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имконият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Қаёқ этилишича, туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 7 фоиздан юқориқроқ бўлган бўлса, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича бу рақам 2,2 фоизга тушган. Манзилли режага кўра туманни йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Бунинг учун оилалар имкониятини юзага чиқариш, микролойиҳаларни амалга ошириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, норасмий иш ўринларини қонунийлаштириш чоралари қўрилади.

Президент аҳоли бандлигига қаратилган ташаббусларни ҳамisha қўллаб-қувватлашни билдирди. Инвестицияларни жалб этиб, имкониятларни лойиҳага айлантириш, кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари масъуларига тадбиркорлар билан доимий учрашиб, муаммоларини ҳал этиш, таклифларини юзага чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

ЙЎЛЛАРДА АДОЛАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР МАҚСАД

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиз учун энг оғриқли нуқталардан бирига айланган муаммонинг ечимига давлат миқёсида қанчалик жиддий ёндашилаётганини яна бир қарра намоён қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йилнинг ўзида йўл-транспорт ҳодисасида 2 203 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмгани, ҳар тўртинчи авария ўлим билан якунланаётгани — барчамизни ҳушёрликка қорлаши, масъулиятни чуқур ҳис этишга ундаши шарт.

Эълон қилинган янги ташаббуслар ва дастурлар партияимизнинг ғоялари билан ҳамоханг экани биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу, ўз навбатида, олдимизга белгилаб олган мақсадларимизни ҳаётга самарали татбиқ этиш имкониятидир.

Энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Сурункали қоидабузарлар” дастури ва қоидабузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш, хусусан, тезликни 2-3 қарра оширганларни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш таклифи “Адолат” СДПнинг ашаддий қоидабузарларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориш ҳақидаги позициясига муштарак ва айна давр учун муҳим ташаббусдир. Зеро, “Жаримани тўлаб, билганимдан қолмайман” деган қарашга энди ўрин бўлмайди.

Биз бу борадаги чораларни янада кучайтириш тарафдоримиз ва ўзимизнинг энг қатъий тақлифимизни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: транспорт воситаси-

ни маст ҳолда бошқариб, одам ўлимига сабабчи бўлган шахслар умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши шарт. Бу адолатнинг энг олий кўриниши бўлар эди.

Хавфсиз инфратузилма — хавфсиз ҳаёт гарови. Йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган “Хавфсиз йўл” миллий дастури ва бунинг учун алоҳида жамғарма ташкил этилиши партияимизнинг йўлларни ривожлантириш, пидеалар учун хавфсиз шароит яратиш борасидаги ғояларига тўла мос келади. Айнақса, муаммоларни аниқлаш ва маблағларни йўналтиришда аҳоли фикрини ўрганувчи электрон порталнинг ишга туширилиши шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашда улкан қадамдир.

Ушбу дастур доирасида янги қуриладиган ва таъмирланадиган йўлларни босқичма-босқич цемент-бетон қопламасига ўтказиш масаласини кўриб қиқшиш таклиф қиламиз. Бу дастлабки харажатлари юқориқроқ бўлса-да, узоқ йиллик чидамлилиги ва кам таъмирталаблилиги эвазига ўзини тўлиқ оқлайдиган, стратегик жиҳатдан тўғри сармоядир.

Йиғилишда жамоат транспорт фаолиятини субсидиялаш, йўналишларни оптималлаштириш ва ташувчиларнинг масъулиятини



Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — нафақат давлат, балки бутун жамият учун устувор вазифалардан бири саналади. Чунки ҳар куни юз минглаб инсонлар йўлларда ҳаракатланади. Шу боис йўллардаги тартиб, қулайлик ва хавфсизлик — умумий ҳаёт сифати, шу билан бирга, ижтимоий барқарорлик мезони.

ошириш бўйича белгиланган вазифалар, партияимиз дастурий мақсадларида қайд этилганидек, тартибга солинган жадвал, электрон тўлов тизими ва қулай транспорт воситаларини шахарларимиздаги тирбандликни камайтириш ҳамда фуқароларнинг вақтини тежашга хизмат қилади.

Албатта, партия йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ислохотларни, Президентимиз томонидан белгиланган барча вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз фуқароларимиз хавфсизлигига дахлдор ташаббус ва вазифаларнинг амалга оширилишида, тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришда фаол иштирок этишга ҳамда ижро устидан қатъий парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга тайёرمиз. Зеро, ҳар бир фуқаронинг хавфсиз ва адолатли муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш — барчамизнинг бурчимиз!

Робохон МАХМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ҲУШЁРЛИК – ҲАМ ҲАЙДОВЧИ, ҲАМ ЙЎЛОВЧИ УЧУН МУҲИМ

Кунини кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан шу, яъни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда аввалги ишлар таҳлили асосида долзарб муаммоларга аниқ ва амалий ечимлар таклиф этилди. Албатта, сўнгги йилларда соҳада бир қатор ислохотлар амалга оширилди: онлайн мурожаатлар тизими жорий этилди, йўл ҳаракати ходимлари техник жиҳатдан таъминланди, сунъий интеллект орқали қоидабузарликлар аниқлана бошланди. Бироқ мавжуд муаммолар ҳамон жиддий эътиборни талаб қилмоқда.

Маълумотларга кўра ўтган 2024 йилда мамлакат бўйлаб 9 мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган. Натижада 9 минг киши жароҳат олган, 2 минг 200 дан

этилади. У жамоатчилик назорати асосида фаолият юритади. Яъни йўлларга сарфланадиган ҳар бир сўм манзилли, шаффоф ва оқилона йўналтирилиши шарт қилиб қўйилади. Жамғарма маблағлари, биринчи навбатда, йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез юз берадиган йўл участкаларини тартибга солиш ишларига йўналтирилади.

Айни пайтда йўл ҳаракатида жамоатчилик иштирокини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ташаббус — аҳоли фикрини ўрганишга мўлжалланган электрон порталнинг ишга туширилишидир. Энди фуқаролар бевосита овоз бериш орқали қаерга йўл белгиси, пидеа йўлаги ёки светофор кераклигини ўзлари кўрсата олади. Энг муҳими, қилинган ишлар натижаси фото ва видео тарзда очик эълон қилинади, халқнинг ўзи уларни баҳолайди. Бу — шаффофлик, ҳисобот бериш ва халқ манфаатларига хизмат қилишга қаратилган давлат сиёсати ҳаётда ўз ифодасини топаётганининг яққол исботи.

Йўлларда хавфсизлиكنи таъминлаш, аввало, жамиятнинг умумий маданияти ва фуқароларнинг шахсий масъулиятига боғлиқ. Бу фақат давлат органларининг вазифаси эмас — қоидаларга риоя қилиш, ўзаро ҳурмат ва ҳушёрлик ҳар биримизнинг кундалик бурчимизга айланиши зарур. Зеро, йўллардаги тартиб ҳаётимиздаги тинчлик ва хавфсизликнинг ажралмас қисмидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Сенат кўмиталарида



МАҚСАД – ЯГОНА ЎЛЧОВЛАР БИРЛИГИНИ ЯРАТИШ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг мажлисида “Халқаро метрик Конвенцияга (Париж, 1875 йил 20 май, 1907 йил 17 октябрдаги, 1913 йил 11 октябрдаги ва 1921 йил 6 октябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади барча давлатлар учун ўлчовлар бирлигини таъминлайдиган умумий ва ишончли эталонлар яратиш, уларни сақлаш, миллий эталонларни халқаро прототиплари билан қиёслаш ва ўзаро тан олиш имконини берувчи ягона тизимни шакллантириш ҳамда бу орқали давлатлар ўртасидаги техник ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

Таъкидланганидек, Конвенцияда иштирок этувчи давлатларнинг метрологик стандартлар бирлигини таъминлаш, шу жумладан, эталонлар ва аниқлик шкалаларини ҳамда геодезик ўлчовларни солиштириш ва калибрлаш, миллий эталонларни халқаро прототиплари билан даврий солиштириш ҳамда халқаро прототипларни сақлаш каби муҳим масалалар назарда тутилган.

КУН ТАРТИБИДА – ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ МУАММОЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси мажлисида қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан тўлов хизматлари бозорида хавфсизликни таъминлаш масалаларига оидинлик киритилмокда. Таъкидлаш керакки, ушбу қонун молиявий фарибгарликларнинг олдини олишга, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан кун тартиби доирасида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди. У жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари са-

марали ҳимоя қилинишини таъминлашга ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга хизмат қилиши айтилди.

Мажлисида “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди. Хорижий тахрибадан келиб чиқиб амалдаги нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда уларни тўлдириш зарурати юзага келмокда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ана шундай бўшлиқларни бартараф этишга қаратилгани таъкидланди.

Муҳокамалар жараёнида сенаторлар ушбу қонунлар келгусида тўлов хизматлари бозорида хавфсизликни таъминлашга ургу берди. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилганлиги алоҳида айтилди.

Яқунда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИ — ОЛИЙ МЕЗОН

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юрт тараққиёти, жамият фаровонлиги ва фуқаролар ҳаётини яхшилашга қаратилган. Беқиёс ўзгаришлар нафақат тизимни модернизациялаш, балки давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни қайта шакллантиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятли. Бу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини очиқлаш, фуқаролар фикрини инобатга олиш ва халқ билан доимий мулоқот механизмларини йўлга қўйиш устувор вазифалардан бирига айланди.

Фикр

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бугун аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжлари ва долзарб муаммолари ечимига қай даражада эътибор қаратилмокда? Давлат идораларининг мутасаддилари ва бошқа масъулларнинг фуқаролар мурожаатларига муносабати қандай?

Қайд этиш керак, Президентимизнинг “Инсон қадрини ўзининг таъминоти бундан аввалроқ ҳаёт сифати ва фаровонлигига оширишга қаратилган. Лекин ҳар қандай ислохот амалиётга жорий этилганда муайян тўсиқ ва муаммолар билан тўқнаш келиши табиий.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири — халқ билан мулоқотнинг тизимли ва самарадор ташкил этилиши саналади. Мурожаат қилиш имконияти мавжуд бўлиши билан бирга, бу

мурожаатларга қандай муносабатда бўлинмокда, уларнинг ечимидан қандай натижалар олинмокда — мана шу жиҳатлар асосий мезонга айланиши керак.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йилда Президент Халқ қабулхоналарига 1 млн. 200 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани аҳоли фаоллигининг, ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик масъулиятининг ўсиб бораётганини кўрсатади. Айни чоғда бу кўрсаткич тизимдаги етарли самарадорликка эришилмаганлигини ҳам англатиши мумкин. Чунки муаммоси тез ва оддий тарзда ҳал этилган фуқаро қайта мурожаат қилишга муҳтож бўлмайди. Демак, мурожаатлар ортидаги реал сабабларга етарли эътибор қаратиш — муҳим вазифа.

Ақсарият ҳолларда фуқаролар ўз муаммосини аввал маҳаллий даражада — маҳалла, туман ҳокимияти орқали ҳал қилишга уринади. Бироқ маҳаллий

даражадаги масъуллар томонидан ечим топилмаган ҳолатларда мурожаатлар марказий органларга йўналтирилади. Бу эса айрим ҳолларда бюрократик тўсиқлар, иш юритишдаги сусткашлик ва фуқаро манфаатларига нисбатан бефарқликнинг мавжудлигидан далолат беради.

Айни пайтда фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва қўриб чиқиш бўйича турли институтлар фаолияти кучайтирилди: Президент Халқ қабулхоналари, сайёр қабуллар, оммавий эшитувлар, электрон платформалар — буларнинг барчаси фуқароларнинг давлат билан мулоқотини яхшилашга қаратилган. Бироқ бу институтлар барча ҳудудда самарали ишляпти, дея айтолмаймиз. Масалан, айрим туманларда сектор раҳбарларининг аҳоли билан мулоқоти тизимли ва очиқ бўлган ҳолда бошқа ҳудудларда бу жараён расмийчиликдан узоқ кетмаган.

Мурожаатлар ҳақида сўз кетганда, муҳим жиҳатлардан бири — уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали тизимли камчиликларни бартараф этиш, олдини олишдир. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва давлатга бўлган ишонч ётади. Зеро, Президентимиз фуқаролар мурожаатларига тўғри ва тезкор жавоб бериш кераклигини кўп бор таъкидлайди. Айниқса, халқнинг муаммоларини эшитиш ва уларга ечим топиш ҳар бир

раҳбарнинг кундалик бурчи экани доимий эслатилади.

Шу боис биз, депутатлар сайловчиларимиз билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммолари ва тақлифларини аниқлаб, давлат идораларига самарали ечимлар тақлиф қилишимиз айна муддао. Бинобарин, мулоқотнинг энг муҳим мезони — фуқаро муаммосининг тўлиқ, ўз вақтида ҳал бўлиши. Бу рақамларда эмас, ҳаётда намоён бўлади. Масалан, ишсиз ёш ишга жойлашса, талабанинг шартнома тўлови бўйича енгиллик бериладиган механизм ишласа, ноғиронлиги бўлган шахсга муносиб шарт-шароит яратилса — мана шу ҳолатларда давлатнинг фуқаро билан муносабатлари тўғри йўлга қўйилган бўлади.

Халқнинг овозини эшитиш — бу фақатгина мурожаатни қабул қилиш эмас, балки уни англаш, таҳлил этиш, ечим топиш ва амалга ошириш тизимини йўлга қўйишдир. Давлат органлари нафақат самарали ишлаши, балки халқ дардини ўз дарди, деб билиши лозим. Зеро, таъсирчан ислохотлар ва барқарор тараққиёт пойдевори — фақатгина ана шу инсоний ёндашувга таянган ҳолдагина мустаҳкам бўлиши мумкин.

Назира МУХТОРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси.

Сенаторлар — ҳудудларда

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Фарғона вилоятига амалга оширган хизмат сафари доирасида жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, хотин-қизлар ва ёшлар билан олиб борилаётган ишлар, шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ўрганди.

Хусусан, сенатор Фарғона шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти билан танишди. Марказнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга хизмат кўрсатиш, оғир аҳволга тушиб қолган шахслар билан индивидуал ишлаш, аҳолининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, манзилли ёрдам кўрсатиш амалиёти таҳлил этилди. Хизматлар сифатини янада ошириш,

мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказида зўравонликдан жабрланган аёллар учун яратилган шарт-шароитлар, уларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари атрофича ўрганилди. Мутасадди раҳбарлар зим-

масига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди ҳамда хотин-қизларни жамиятга самарали мослаштириш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Беш-бола ва Мустақиллик маҳаллаларида “маҳалла еттилиги” фаолияти таҳлил этилди. Маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва бошқа масъулларнинг аҳоли билан ишлаш ҳолати муҳокама қилинди. Мулоқотлар давомида аҳоли муаммоларини аниқлаш, уларга жойида ечим топиш,

«Халқ сўзи».

Мулоқот

Ёшлар парламентининг халқаро ҳамкорликда иштироки фаоллаштирилади

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасида Ёшлар парламенти аъзоларининг халқаро ҳамкорлик борасидаги иштирокини фаоллаштириш юзасидан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Мазкур тадбир ёшларнинг халқаро муносабатлар ва парламентлараро ҳамкорлик соҳасидаги билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, уларни халқаро жараёнларга фаол жалб этиш, парламент дипломатиясидаги иштирокини кўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбир аввалида 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан ўтказилган учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш борасида билдирилган муҳим ташаббусларга эътибор қаратилди.

Учрашувда Ёшлар парламенти фаолиятининг асосий йўналишлари,

қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, шунингдек, ёш ишбилармонлар ва тадбиркорлар томонидан илгари сурилаётган инновацион гоялар юзасидан фикр алмашилди.

Жумладан, мулоқот доирасида Ёшлар парламентининг халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, унинг чет эл ёшлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш, Ёшлар парламенти аъзоларининг халқаро миқёсдаги парламентлараро форумлар ҳамда нуфузли анжуманлардаги иштироки, ташаббуслари ва тахриба алмашуви масалаларига ургу берилди.

Шу билан бирга, кўмита томонидан мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти, халқаро муносабатлардаги устувор йўналишлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризм соҳасидаги ислохотлар ва халқаро алоқалардаги янгиликлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинди.

Кўмита ва Ёшлар парламенти ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, биргаликда амалий тадбирлар, лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш, ёшларнинг халқаро масалалар бўйича салоҳиятини юксалтиришга қаратилган аниқ тақлиф ҳамда ташаббуслар билдирилди.

Очиқ мулоқот ишчан ва конструктив муҳитда ўтди. Ёшлар парламенти аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди ва қатор амалий тақлифларни илгари сурди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кейинги пайтларда фуқароларнинг турли идораларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб йўллаётган мурожаатлари сони ортмокда. Бу, бир томондан, юртдошларимиз ҳуқуқий саводхонлигининг ошаётганидан дарак берса, иккинчи томондан, жойлардаги айрим масъул раҳбарларнинг ўз вазифаларига панжа орқасидан қараётганини кўрсатади.

Ўрганиш

Республикаимизнинг турли ҳудудларидан Олий Мажлис Сенатига ана шундай мурожаатлар

оқими тўхтамаяпти. Кеча Сенат қабулхонасида Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология

кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқди.

Мурожаатлардан уй-жой, ишга жойлашиш, айрим ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидан норозилик, ер ажратиш ва моддий ёрдамга доир масалалар аҳолини қийнаётгани маълум бўлди.

Жумладан, Фарғона вилоятидан П. Пауль уй-жой билан боғлиқ муаммосини, Наманган вилоятининг

Поп туманида истиқомат қилувчи 6 нафар фуқаро Олмалиқ конметаллургия комбинатида ишга жойлашиш истакларини билдирди.

Ёки Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи В. Ерметова ва И. Медведева ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозиликларини баён этди.

Паркент туманида истиқомат қилувчи Д. Эшматов эса ерга оид

низо юзасидан, Бухоро вилоятининг Пешку туманидан келган З. Пулатов моддий ёрдам олиш масаласида мурожаат қилишди.

Сенатор томонидан барча мурожаатлар диққат билан эшитилди, тегишли ташкилот ва идораларга кўтарилган масалаларга ечим топиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)га аъзо давлатлар Бош ассамблеяси ййигилишининг 66-сессиясида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

«Долзарб 90 кун:»

Янги Ўзбекистонда тафаккур янгилинишлари

Хар бир тонг — янги имконият. Меҳрли қуёш тоғлар ортидан нур сочиб, яшил водийларга янги ҳаёт нафаси кириб келар экан, халқимиз қалбида эзгу ниятлар уйғонади. Бугун бу уйғониш фақат фаслларнинг алмашинуви эмас, балки тафаккур янгилиниши, орзулар рўёби сари янги бир тўлқиннинг пайдо бўлишидир. Бу уйғонишнинг тимсоли — Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси бўлиб, у ижтимоий онгни ёритувчи, давлат ва жамият ўртасидаги масофани қисқартирувчи, фуқаролик масъулиятини оширувчи бекиёс ҳаракатга айланди.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ўтказиш, ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш мақсадида маданий, маърифий ва спорт тадбирлари, саёхатлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Йигит-қизлар қизиқишларидан келиб чиқиб турли касб-хунарларга йўналтирилмоқда.

Мушоҳада

Ижтимоий онг ва масъулият уйғониши

Мустақиллик халқимизни ўз томирлари, тарихий хотираси ва маънавий меросига янада яқинлаштирди. Ушбу неъмат туйғайли ўзимизнинг ким эканимизни, руҳий ва маданий илдизларимизни қайта кашф этдик. Қадим ва шонли ўтмишдан сув ичган халқимиз бугунги кунда маънавий юксалиш, жамият раванқи ва ҳар томонлама тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда.

Биз бугун илмга, таҳлил ва изланишга ташна авлодни тарбиялаб, эртанги порлоқ келажак пойдеворини мустаҳкамлашни олдимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз. Бугун нафақат янги тарих саҳифаларини ёзмамиз, балки ундаги ҳар жумлани ўз фуқаролик позициясиз, билим ва салоҳиятимиз билан сермазмун қилишга, безашга интилоқдамиз. Ўзбекистон ҳаётида муҳим ижтимоий ҳаракат — “Долзарб 90 кун” бошланди. Бу ҳаракат — замонавий давлат қурилишининг янги ҳақиқатимиз, ижтимоий онг ва масъулият уйғонишининг ифодаси, десак, муболага эмас.

Замонлар оша янраган ҳадид боболаримизнинг фикрлари бугунги кун билан узвий боғлиқ. Мунавварқори Абдурашидхонов айтганидек: “Миллатни уйғотмак учун, аввало, унинг онгини уйғотмак керак”. Бугун “Долзарб 90 кун” ҳаракати — айнан ўша онгини уйғотишга қаратилган. Бу ҳаракат орқали ёшларимизнинг ахлоқий иммунитети мустаҳкамланмоқда, миллий ўзлиқ тикланмоқда, илгор рақобатбардош авлод тарбияланмоқда.

“Долзарб 90 кун” ҳаракати бевосита онг ва тафаккур майдонидаги уйғонишидир. Ҳаракат доирасида ҳар бир фуқарога, хусусан, ёшларга мурожаат қилинмоқда: “Сен бефарқ бўлма, сен ҳаётимиздаги янгилинишларда иштирок эт, сен жамиятдаги ўзгаришларга ҳисса қўш”. Бу кишини фаол ҳаёт позициясига ундовчи, шунчаки ташманиб туриш эмас, балки жараёнларга масъулият билан аралашшига чақирувдир.

Ҳадид боболаримиз халқни қоқоқликдан, ҳоҳилликдан олиб чиқиш учун мактаблар очди, дарсликлар ёзди, газетая журналирлар нашр қилди. Бугунги кунда эса биз уларнинг орзуларини замонавий шаклда рақамли авлод онгига уйғотмоқдамиз. Зеро, ахлоқий иммунитет дегани фақат қадриятлар ҳақида гапириш эмас, балки ёш авлод қалбига Ватан туйғуси, ҳалоллик, масъулият ва миллий гурурини сингдиришидир.

Мафкуравий иммунитет яратиш ҳаракати

“Долзарб 90 кун” — ташкилий ва маъмурий тадбирлар йиғиндиси эмас, маф-

Эндиликда давлат ва жамият ўртасидаги масофа қисқармоқда. Ўтмишдаги “Зарбдор 30 кун”лар пахта терими билан боғлиқ бўлган бўлса, бугунги “Долзарб 90 кун” ижтимоий онгни ўстириш, ислохотлар илдини чуқур ўрганиш ва амалий натижаларга йўналтиришни зиммасига олган.

Айтиш жоизки, Фарғона давлат университети жамоаси ҳам ушбу ташаббусда фаол иштирок этмоқда. Илм-фан, таълим, ижтимоий соҳалар бўйича жойлардаги реал вазият таҳлил қилиниб, мавжуд масалаларга университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ёш олимлар томонидан аниқ ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир факультет, ҳар бир кафедра энди нафақат таълим маскани, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи интеллектуал марказга айланмоқда.

Ёшларнинг бўш вақти — бизнинг иш вақтимиз

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ёзги таътил даврида талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва кунлик режа жадвали ишлаб чиқилиб, ижрога киришилди. Бунинг самараси ўлароқ Фарғона шаҳрида жойлашган Ёшлар, Ибрат, Наврўз, Шодиёна, Соҳибқирон Темур ва Сойбўйи маҳаллалари “етилиги” ҳамда Фарғона шаҳридаги қатор мактаб раҳбарлари билан учрашув ташкил этилиб, ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда университетда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича меморандум имзоланди.

Натижада ёшларнинг бўш вақти бизнинг иш вақтимизга айланди. Маҳалла ва мактаблардан келган ўғил-қизларга университет қатағон қурбонлари музейи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, ҳарбий ватанпарварлик маркази, физика ва кимё лабораториялари ҳамда мавжуд тўғарақлар фаолияти таништирилди. Шунингдек, “Одил жунior” футбол мактабига сунъий футбол майдони, “Идеал” ва “Янги авлод” хусусий мактабларига сузмиш ҳавзаси эркин фойдаланиш учун берилди.

Қолаверса, робототехника, ёш физик, дурадгорлик, чилангарлик, ардуино платформаси ва электрон ижодкорлик, “Моҳир қўллар” ва бошқа тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди.

“Ёзги спорт ўйинлари”, “Ректор кубоги” мусобақалари, “Талабалар лига-

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

си”, “Киберспорт” танловлари, концерт дастурлари, санъат кўргазмалари, адабиёт кечалари, ижодий учрашувлар, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, кино ва театрлар, китобхонлик танловлари ўтказилди.

Кўнгилли талабалар аъзолигида “Бунёдкор ёшлар” талабалар қурилиш отрядлари фаолият юритмоқда. Ички туризм йўналишида “Ватан бўйлаб саёхат қил!” лойиҳаси доирасида талаба ва ўқувчиларнинг юртимиздаги маданий-тарихий жойларга саёхатлари амалга ошириб келинмоқда.

Бу каби тадбирлар фақатгина университет миқёсида эмас, вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам ташкил этилмоқда ва бундан кўзланган мақсад ҳар бир ёшга имконият яратиш, ёзги таътилин мазмунли ўтказишга кўмаклашидир.

Яқинда университет ташаббуси билан Риштон туманидаги Меҳнатобод маҳалласида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасидаги тадбирларга старт берилди. Бунда навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига ўргатиш мақсадида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг минифутбол, кувноқ спортлар, шахмат-шашка турлари бўйича “Ректор кубоги” мусобақалари ўтказилиб, голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Бундан ташқари, турли ижодий кечалар, кўнгилчор тадбирлар, учрашувлар, концерт дастурлари уюштирилиб, туман ёшларининг маданий ва маънавий дам олишлари учун шароитлар яратилди.

Бугун мазкур ҳудудда нафақат ёшлар, аҳолининг барча қатламини қамраб олган кенг қўламли амалий ишлар олиб боришмоқда. Университет томонидан аҳолига тиббий ва психологик кўмак бериш маркази ташкил этилди, кам таъминланган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, мавжуд муаммолари ўрганилмоқда. Айни ҳоқда мазкур маҳалладаги мактабга таълим муассасаси, умумий ўрта таълим мактаби, оилавий шифокор пункти, фуқаролар йиғини биноси каби объектларни қайта таъмирлаш, маҳаллага тоза ичимлик суви келтириш ва йўлларни асфальт қилиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилди ҳамда амалий ишлар бошланиш арафасида.

Бугун тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёни турли фитналар учун янада қулай шароит яратишини унутмаслигимиз лозим. Мана шундай ўта таҳликали шароитда тинчликнинг қадрига етиш, истиқлол руҳи, унинг бунёдкорона шуқуқи билан бир қаторда шукроналик туйғуси ва юртга муҳаббатни юракка жойлаб, ўзимизда мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилишимиз даркор. Шубҳасиз, барча эзгу ишлар, улкан янгилинишлар, тараққиёт фақат тинчлик ва барқарорлик заминидора рўёбга чиқади. Фақат ошуда ва хотиржам ҳаётгина халқимизга байрам ва шодликларни тўлақонли бахш эта олади. Бизнинг бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз ўз-ўзидан юзага келмаган, бу мустаҳкам ислохотлар ҳамда халқ билан давлат ўртасидаги ҳамжиҳатлик самарасидир.

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси ҳам халқ билан давлат ўртасидаги ижтимоий шартнома, онли жамият қурилишига хизмат қилмоқда. Бу ҳаракат биздан фақат иштирокни эмас, фидойилик, интеллектуал ёндашув, ҳалоллик, инсонпарварлик ва миллий гурурини ҳам талаб қилади. Шу йўлда ФарДУ жамоаси — профессор-ўқитувчилар, талабалар, илмий тадқиқотчилар доим бир сафда бўлиб, янги Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишда давом этади. Чунки бу Ватан бизники, унинг эртасини эса бугунги жасоратли қадамларимиз белгилайди.

Баҳодижон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори, профессор.



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ёз фаслининг жазирама қайноқ кунларида футбол мухлислари эътибори мавсумолди трансферларга қаратилган. Кўпчиликка маълум, трансфер — бу футболчининг бир жамоадан иккинчи жамоага ўтиши ҳисобланади. Ўзларининг чақон ҳаракатлари, тўпурарлик хусусияти ва яшил майдондаги турли позицияларидан келиб чиқиб футболчилар маълум бир жамоанинг назарига тушиб сотиб олинса, баъзилари собиқ клуби билан шартномаси тугаб, эркин агент сифатида бошқа жамоага ўтиб кетади.

Спорт

Келаси йили АҚШ, Мексика ва Канада мамлакатларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олган Ўзбекистон миллий терма жамоасига номзод футболчилар ҳам ўз спорт формасини ушлаб туриш ва фаолиятида янги босқинчи бошлаш мақсадида турли клубларга легионер сифатида ўтмоқда. Қуйида шулар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Ўзбекистон терма жамоаси ва “Рубин” (Қозон, Россия) химоячиси Рустам Ашурматов фаолиятини Эронда давом эттирадиган бўлди. 29 ёшли футболчи яна бир ҳамюртимиз — Жалолиддин Машарилов тўп тепаётган Техроннинг “Истиклол” жамоаси сафига бориб қўшилди. Маълумотларга кўра Эроннинг кучли жамоаларидан бири Р. Ашурматов учун қозонликларга 450 минг евро тўлайди. У ўтган мавсум “Рубин” либосида 21 ўйинда майдонга тушиб, уч бор огоҳлантирилган. Рус-там бунгача мамлакатимизнинг “Бунёдкор” ва “Навбахор”, Корея Республикасининг “Кванжу” ҳамда “Канвон” каби жамоаларида тўп сурган.

Ўзбекистон миллий терма жамоасига номзод футболчи Акмал Мозговой илк маротаба легионер марқомда Бирлашган Араб Амирликларида ўйнайдиган бўлди. 2024 йилда “Суперлиганинг энг яхши футболчиси” совринини қўлга киритган ҳамюртимиз “Банияс” жамоаси билан шартнома имзолади.

“Илк фаолиятимда “Насаф” жамоасида тўп сурдим. Барча орзуларим шу ердан бошланган. Албатта, жуда оғир, аммо мен фаолиятимда янги саҳифа очишга қарор қилдим. Мен ҳали қайтаман”, дея фикр билдирган у.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(“Халқ сўзи”).

РЕКЛАМА

ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ «BMB AGRO» тажрибаси ва инновацион ёндашувлар

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини оширишга, жумладан, унда сувни тежовчи замонавий технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 7 майдаги “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш ва соҳада ислохотларни чуқурлаштириш кўзда тутилган. Бу илгор хорижий тажрибадан унумли фойдаланишни, сув ресурсларини имкон қадар тежайдиган технологияларни татбиқ этишни талаб қилади.

Жизас вилоятининг Арнасой туманида фаолият юритаётган “BMB HOLDING” таркибидagi “BMB AGRO” корхонаси ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион ёндашувлар ва замонавий технологияларни жорий этиши билан эътибор қозонмоқда. Бу ердаги ишлар самараси сифатида юқори ҳосилдорлик, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва экспорт салоҳиятининг ортиси кузатишмоқда.

Шўрҳук, узоқ вақт фойдаланилмаган, самарасиз ерлар илмий асосда қайта ўзлаштирилиб, уларда пахта, галла, сабзавот ва дуккакли экинлар етиштириляпти. Сўнгги йилларда бу тадбирлар ўз самарасини бера бошлади: пахтадан гектарига 30 — 35 центнер, галладан 80 — 90 центнергача, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан ҳам юқори ҳосил олинаётир.

Аграр соҳадаги бу ютуқларга эришишда эса сув ресурсларидан унумли фой-



даланиш, хусусан, гидрогель воситасини қўллаш муҳим ўрин тутмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур технология Ўзбекистонда илк бор айнан “BMB AGRO” корхонаси томонидан амалиётга жорий этилган. Тупроқдаги намликни узоқ муддат сақлайдиган ушбу модда сув сарфини 40 — 45 фоизгача қисқартириш имконини беради. Бу нафақат табиий ресурсларни тежайди, балки сугориш ораликларини ҳам икки бараваргача узайтиради.

Бу ҳақда қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) Собир Йўлдошев қуйидагича изоҳ бери:

— Гидрогель — бу нефть қолдиқларидан олинadиган полимер модда бўлиб, тупроқдаги намликни ушлаб туриш хусусиятига эга. У нафақат сувни сақлайди, балки тупроқдаги зарарли

моддаларнинг филтрланишига ҳам ёрдам беради. Намлик юқори бўлган пайтларда эса унинг меъёрини тартибга солиди.

Гидрогелнинг асосий афзаллиги, айниқса, сув танқислиги мавжуд ҳудудларда ундан фойдаланилганда, сув сарфи кескин камайди. Масалан, помидор ва бўлғор қалампирни каби сабзавотларда намлик етишмовчилик туйғайли гуллар эрта тўқилиб кетади. Гидрогель ишлатилганда ўсимликка барг шаклланиши яхшиланади, бу эса бевосита ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу модда меваларнинг бир хил етилишини, стандартлигини таъминлайди. Бу эса ҳосил сифати ва бозорбоплигини оширади. Энг муҳими, вегета-

ция даврида ўсимликлар учун оптимал сув муҳитини яратаяди. Сугориш оралиги икки бараварга кўпаяди, нафақат сувни, балки ресурсларни ҳам тежайди. У ҳатто ёмғир суви ва шудринг томчиларини ҳам ўзлаштириб, барг орқали ўсимликка етказаяди. Намликни узоқ вақт сақлаш орқали ўсимликлар доимий сув билан таъминланади.

Шунингдек, гидрогелни қўллаш ҳосилнинг 10 — 15 кун эрта пишишига, ҳосил олиш даврининг эса 20 — 25 кунга узайишига олиб келади. Бундан ташқари, у замбуруғ каби касалликларга қарши қурашишда ҳам самарали восита ҳисобланади.

Мутахассислар ва соҳада фаолият юритувчи амалий ходимлар ўртасида мазкур технологияни кенгроқ жорий

қилиш бўйича фикр алмашиш мақсадида мунтазам равишда семинарлар ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда гидрогель полимер моддасининг натижалари таҳлил қилинмоқда. Хусусан, “Red Star”, “Lojain” ва “74/24” навли помидорларни етиштиришда гидрогель қўлланилганда поя узунлиги 29 — 37 см, ён шохлар сони 1 — 1,2 та, барглрлар сони эса 7 — 11 тагача ошгани кузатишган.

Инновацион ёндашув фақат етиштириш эмас, балки қайта ишлаш жараёнларида ҳам ўз аксини топмоқда. “BMB AGRO” таркибидagi махсус корхона йилга 65 минг тонна дуккакли маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда замонавий ускуналар ёрдамида халқаро стандартларга мос саралаш, тозалаш ва қадқоқлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Айни пайтда маҳсулотларнинг катта қисми Латвия, Польша ва Хитой каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жорий йил бошдан буён 4,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, йил якунига қадар мазкур кўрсаткични 10 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда “BMB AGRO” корхонасининг тажрибаси қишлоқ хўжалигида табиий ресурсларни оқилона бошқариш, инновацион ечимларни татбиқ қилиш ва экспортбоп маҳсулот етиштиришда намунавий лойиҳа сифатида қўрилмоқда.

«Халқ сўзи».



БИР БОЛАГА – ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Миллий ретро киноасарларимиздан бири “Суюнчи” фильмини кўрганлар Анзират буви образини дарҳол эслайди: ўткир тили, тиниб-тинчимас феъли, ҳамиша огоҳлиги ҳамда бутун маҳалла аҳлига қалб кўри билан қайғуриши боис у қишлоқнинг ҳақиқий виждони ҳисобланади.

Дарҳақиқат, қадимдан маҳаллаларимиздаги маънавий муҳит барқарорлигида ана шундай кайвони кексаларнинг ўрни беқиёс бўлган. Улар кўча-кўйда маҳалладошларига, айниқса, болаларга кўз-қулоқ бўлиб, тарбиянинг халқона механизми — огоҳлик, жамоавийлик ва меҳр-мурувват билан уйғунлашган ёндашувни амалда намоён этган.

Ҳўш, бугун-чи? Асрлар синовидан ўтган ана шу ёндашув маҳаллаларимизда қанчалик барқарор?

Мулоҳаза

Тан олиш керак, бугунги замон ота-оналаридан улкан масъулият ва машаққатли меҳнат талаб қилинмоқда. Кун бўйи рўзгор ташвишлари, турмуш югур-югурлари, тирикчилик ўй-хаёли билан овора бўлиб юрарканмиз, баъзан фарзандларимизнинг босган қадами, юриш-туришидан узлуксиз хабардор бўлишга улгурмай қоламиз. Аммо бола улғайгунига қадар унинг атроф-муҳитдан оладиган таъсири улкан кучга эга. Айнан шундай пайтларда ота-онанинг “кўзи, қулоғи” бўлиб хизмат қиладиган, фарзанд тарбиясига қўмақдош бўладиган энг яқин инсонлар — бу девордармиён кўни-кўшнилар, қолаверса, маҳалланинг эътиборли оқсоқоллари тиниб-тинчимас “Анзират буви”ларидир.

— Маҳалла-кўй, кўни-кўшничлик муносабатлари ўзбек халқининг қадимий турмуш тарзида муҳим ўрин тутиб келган, — дейди филология фанлари доктори, фольклоршуно олима Мўнававра Ёқуббекова. — Бу тизим йиллар давомида тақомиллашиб, инсон-

лар орасида ҳам ижтимоий, ҳам тарбиявий ришталарни мустаҳкамлаб борган. Фарзандларимиз улғаяр экан, айниқса, балоғат ёшига етиб, кўча-кўйда тенг-қурлари билан юрган пайтларидаги юриш-туриши, муомаласи, оғзидан чиқаётган гап-сўзлари нафақат ота-онанинг, балки маҳалланинг меҳрибон бувижонларинунорний отахонларининг ҳам назоратида бўлиши қайсидир маънода ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилади. Бу жамиятда ҳеч қайси бола эътибордан четда қолмаслиги, “Боланинг беғонаси бўлмайди”, деган нақлга амал қилинишидан ҳам далолат беради. Айнан шу огоҳлик, болаларни вояга етказишда бир-бирига маънавий елка тутиш қадрияти — халқимиз тарбия услубининг энг кучли пойдеворларидан бири.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Яқинда қадимий шаҳарларимизда гидлик қилаётган юртдошимиз бир даврада ҳаяжон билан сўзлаб берди: у бошчилигидаги оврўполик саёҳатчиларнинг бир

гурухи Эски шаҳарнинг тор кўчаларида сайр қилаётганда, ҳар учраган бола-бақрами, ёш-ялангми — барчаси ўзидан катталарга кўлини кўксига қўйиб тавозе билан салом берганини кўриб, сайёҳлар бу ҳолатни “маданий ҳодиса” сифатида қабул қилган экан. Улар ҳайрат билан: “Сизларда ёш болалар ҳам салом беришни билади, бу қандай зўр тарбия!” дейишибди. Ҳақиқатан, бу фахрланасак арзигulik қадриятларимиздан бири. Биргина саломлашиш одоби — биз учун оддий одат эмас, балки инсонийлик, ҳурмат ва тарбиянинг етук белгиси ҳамдир.

Бироқ бугун ҳаётимизда ушбу манзарага зид ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Баъзан теварак-атрофимизда катталарга ҳурмат кўрсатмайдиган, жамоат жойларида ўзини ҳаддан ташқари “эркин” тутадиган, бошқаларнинг осойишталигига беписанд муносабатда бўладиган ўспирин ўғил-қизлар учраб туради. Уларни тартибга чакириб қўйишга журъат этувчи нуронийлар эса тобора камайиб бораётгандек. Илгари маҳалланинг ҳар бурчида яхши билан ёмонни ажрата оладиган, каттау кичикча бир оғиз гапи билан йўл кўрсатадиган, мавзу аввалида тилга олинган “Анзират буви”лар энди ҳар ерда ҳам учрайвермайди.

Янада ачинарлиси, бундай ҳолатларни кўриб кўрмаганга олаётган “катталар” сони ҳам кам эмас. “Танимасам, гапириб нима қилдим”, қабилидаги ёндашувнинг ортиши билан умумтарбия занжири узилмайди, деб ҳеч ким қафолат бер-

майди. Бундай вақтларда беихтиёр халқимиз толиб айтган мақол ёдга тушади: “Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шундан йўргалайди”. Яъни катталар қандай йўл тутса, кейинги авлод ҳам шуни танлайди. Ҳа, тарбия фақатгина таълиму танбёҳ беришдан эмас, кексаларнинг ибратли ҳаётидаги андозалар орқали ҳам шаклланади.

Айни вақтда “қулоқсиз” саналадиган бундай болалар кўп ҳолларда ёлғиз, беқарор, назоратсиз муҳитда вояга етаётгани сир эмас. Ота-онаси тирикчилик ғамида юрган бир пайтда айнан маҳалла тизими — жамиятнинг қуруқ ҳисоботдан иборат бўлган назарий эмас, балки ҳаётий, қолаверса, амалий қўллаб-қувватловчи механизмга айланиши зарур.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан маҳалла институту қайта ташкил этилиб, маҳаллабй ишлаш тизими йўлга қўйилди. Профилактика инспекторлари, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси — буларнинг барчаси маҳалла фаровонлиги учун, шунингдек, ёш авлод тарбияси учун масъул. Аммо шунчаки тизим бўлишининг ўзи кам. Ундан самарали фойдаланишда ўз ҳиссасини қўиши ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ҳисобланади.

Ҳаётий бир мисол билан фикримизни давом эттирамиз. Пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг бирида ота-онасидан эрта ажралиб, буvisининг қўлида улғаяётган 14-15 ёшлардаги ўсмир йигитча кун бўйи кўчада юриб, мактабдаги дарслардан қочишга

одатланиб қолади. Ўз вақтида маҳалла фаоллари, мактаб маъмурияти ва кўшнилар бирлашиб, шу боланинг тақдирига эътибор олиб берилади, футбол тўрагига жалб қилинади, қисқача айтганда, унга меҳр кўрсатилади. Бугун унинг баҳолари яхшиланиши билан бирга спорт жамоасининг сардори этиб сайланди. Бир бола тақдиридеги бу каби ижобий ўзгаришларни ўнлаб келтириш мумкин. Бу ҳозирги маҳалла институтидан кутилаётган эзгу ишларнинг жонли далили бўла олади.

Шунга қарамай, афсуски, жамоавий ҳамжиҳатликни қабул қилмайдиган, қўшничлик муносабатларини “ортиқча” санайдиган оилалар ҳам бор. Фарзанди хулқидаги ўзгаришларни тузатмоқчи бўлганларга қарата “Бу менинг болам, ўзим биламан”, деган гапдан нарига ўтмайдиган айрим ота-оналарнинг бу якка-хол тутуми на ўзларига, на фарзандларига, на-да жамиятга фойда келтиради. Ёр-биродарларидан чеккаланган ҳар кимки тарбиявий қўмак, энг асосийси, ўз фарзандининг соғлом ижтимоий муҳитда улғайиш имконидан бебаҳра қолади.

Демак, “Бир болага — етти маҳалла ота-она”, деган ҳикмат бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Фарзанд тарбияси фақат оиланинг эмас, балки бутун жамият, маҳалла ҳамда маънавий уйғок ҳар бир инсоннинг зиммасидаги масъулият эканини унутмаслигимиз даркор.

Наргиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

Имконият

Самарқанд – инвесторлар нигоҳида

Самарқанд вилояти билан Хитой ҳудудлари ўртасидаги алоқалар “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида янги босқичга кўтарилди ва ушбу ташаббус ҳудудлараро ривожлангн истикболларига кенг йўл очмоқда. Амалга оширилаётган савдо-иқтисодий алоқалар натижасида охириги уч йилда Самарқанд вилояти билан Хитой ҳудудлари ўртасидаги товар айланмиси қарийб 3 баравар, киритилган хорижий инвестициялар ҳажми эса 4 баробарга ошди.

Ҳозирги кунда Самарқандда Хитойнинг 140 дан ортиқ компаниялари фаолият олиб бормоқда. 2024 йилда вилоятга 300 миллион долларлик электротехника маҳсулотлари импорт қилингани маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун катта эҳтиёж ва бозор мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу борада “Shaanxi Electronic Information Group Co., Ltd” компанияси билан ҳамкорликдаги лойиҳалар орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўзда тутилмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бой ҳудуд бўлиб, мева-сабзавот, шарбатлар, қуритилган мева ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мазкур компания билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Самарқандда вольфрам, каолин, гранит, мрамор, травертин ва кварц хомашёсининг йирик захираси мавжуд. Бу қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун катта имконият яратди. Хитойнинг яна бир “Xinghe building materials” корхонаси билан имзоланаётган шартнома эса ана шу хомашё ва захираларни қайта ишлаш ҳамда экспорт қилишда кўз келади.

Йирик турлими маркази ҳисобланган Самарқанд вилоятига жорий йилда 5 миллион нафар хорижий туристнинг ташриф буюриши кутилмоқда. Уларнинг асосий қисмини хитойлик сайёҳлар ташкил этади. Туризмнинг ривожланиши меҳмонхона, транспорт, таълим ва хизматлар соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятлар яратди. Ушбу йўналишда “Kunming Kanghui” сайёҳлик агентлиги билан ўзаро ишни йўлга қўйиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятида умумий майdonи 1,5 минг гектардан кўп бўлган “Ургут” эркин иқтисодий зонаси мавжуд бўлиб, унда чет эллик инвесторлар иштирокидеги юқори технологияли 200 га яқин саноат корхоналари самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу иқтисодий зонадаги 500 гектар бўш ер майдонларида истиқболли лойиҳаларни жойлаштириш учун инвесторларга қулай бизнес муҳити яратилади.

Абдулвазир Йўлдошев
(«Халқ сўзи»).



“Road Show” кўрғазмасидаги тақдиротларда, жумладан, “B2B” — “Биз-несдан бизнесга” ва “G2B” — “Хукуматдан бизнесга” форматларидаги мулоқотларда Хоразмнинг сайёҳлик салоҳияти кенг тарғиб этилиб, ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Ҳамкорлик

Ташқи туризмни ривожлантириш, айни йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ўмон, Қувайт, Баҳрайн ва Қатар давлатларида бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Ипак йўли дурдонаси” сайёҳлик форумида Хоразм вилояти делегацияси фаол иштирок этди.

Хоразмнинг сайёҳлик салоҳияти тарғиботи

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган қадимий Хива шаҳри, янги барпо этилган “Арда Хива” халқаро туризм маркази ва вилоятдаги тиббий, зиёрат, гастрономик ва экотуризм объектлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ди. Жумладан, ўмон туризм қўмитаси раиси Ашир Мухаммад Хоразм вилояти билан туризм соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида қатор таклифлар билдирди.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

Қалбларни нурга тўлдирувчи муқаддас қадамжо

Сурхондарёнинг пурвиқор тоғ ён бағрида жойлашган Хонжиза қишлоғи — юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан бири. Бу ерда табиат нафаси, тўлқинли дарё, шамол билан сўхбатлашадиган дарахтлар ва энг муҳими, юз йиллар давомида қалбларни нурга тўлдирадиган муқаддас зиёратгоҳ бор. Бу Сўфий Ҳисорий-Хондизағий зиёратгоҳи бўлиб, унинг сукутида ҳам, ҳар бир гиштида ҳам чуқур ҳикмат яширин.

Зиёрат туризми

Бу ер нафақат дин аҳли учун, балки кенг жамоатчилик, тадқиқотчилар, эко ва маданий туризм мухлисларини ўзига тортувчи масканлардан. Ҳар бир зиёрат инсонни ўтмишга, ибратга, тоза руҳга ошно этади.

1878 йил. Сариосиёнинг илдизига чўккан Хонжиза қишлоғида мулла Абдулвоҳид хонадонида бир қақалоқ туғилди. У Сўфий Ҳисорий-Хондизағий номи билан тарихда қолди. Болалигидан илмга чанқоқ, одоб-ахлоқда намуна бўлган бу зот кейинчалик Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олиб, тасаввуф йўлига кирди. Токи бу йўл уни нафақат илм аҳли билан, балки қалблар билан боғлади. У бутун ҳаётини ҳақиқат ва фазилатни ёйишга бағишлади. Мантиқ, тарих, фалсафа ва

аруз илмларини мукаммал ўрганди.

А й т и ш л а р и ч а , Сўфий ҳазратлари ҳузурига бирор юрт кишиси кўнгли синиқ бўлиб келса, бу ердан юраги юмшаб, кўзи ёрқин бўлиб қайтган. Чунки у ҳар бир инсонда яхшилик уруғини кўрарди. Унинг тилида ҳам, нигоҳида ҳам руҳий даво бор эди. Унинг шогирдларидан бири айтди: “Устоз бирор марта одамни маломат қилмади. Танқид ўрнига ибрат билан таълим берди”.

Унинг укаси — домла Айниддин ҳам сўфийлик илмини давом эттирган, икки оламли илм соҳиб бўлган. Бу икки баркамол инсоннинг қабри бир зиёратгоҳда



— ёнма-ён. Буни халқ “иқбол бирлиги” деб атайди. Қабристонда, шунингдек, Мухаммад Юсуф Маъсий, Эшон Сафар Халифа каби илму маърифат вакиллари ҳам дафн этилган.

— Сўфий Ҳисорий-Хондизағий ҳамда домла Айниддин бундан 500 — 600 йил муқаддам яшаб

ўтган шайх Нодирмуҳаммад Самарқандий авлодлари саналади, — дейди қишлоқ фахрийси Фарҳод Мухаммадиев. — Тасаввуфчи уламолар бобокалоний йўлини давом эттириб, шарият ва тариқат илмларини чуқур ўрганган, шогирдлар тарбиялаб, кенг маърифат тарқатганлар. Бугунги кунда улуг зотларнинг қабрлари халқ орасида зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келинмоқда. 2006 йилда Сўфий Ҳисорийнинг “Жўиши дариёи дарс” шеърӣ китоби чоп этилди. 2018 йилда қишлоқдан оқиб ўтувчи Хурсанд дарёси бўйига, айнан Сўфий Ҳисорий-Хондизағийга нисбатан эҳтиром ифодаси сифатида ҳашар йўли билан макбара ва 100 ўринли масжид қурилди. Зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилди. 2019 йил февраль ойидан бошлаб, мазкур

зиёратгоҳ “Вақф” хайрия жамоат фондқандий авлодлари саналади, — дейди қишлоқ фахрийси Фарҳод Мухаммадиев. — Тасаввуфчи уламолар бобокалоний йўлини давом эттириб, шарият ва тариқат илмларини чуқур ўрганган, шогирдлар тарбиялаб, кенг маърифат тарқатганлар. Бугунги кунда улуг зотларнинг қабрлари халқ орасида зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келинмоқда. 2006 йилда Сўфий Ҳисорийнинг “Жўиши дариёи дарс” шеърӣ китоби чоп этилди. 2018 йилда қишлоқдан оқиб ўтувчи Хурсанд дарёси бўйига, айнан Сўфий Ҳисорий-Хондизағийга нисбатан эҳтиром ифодаси сифатида ҳашар йўли билан макбара ва 100 ўринли масжид қурилди. Зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилди. 2019 йил февраль ойидан бошлаб, мазкур

Сўфий Ҳисорий зиёратгоҳи — бу фақат тарих эмас. Бу — руҳ, бу — замонавий инсонга керак бўлган маънавий ором. Дарҳақиқат, бу ерда ҳар нафасда қалб билан мулоқот бор. Бугун бу масканга нафақат Сурхондарёдан, балки юртимизнинг барча ҳудудидан ҳамда хорижлик меҳмонлар ҳам келмоқда.

Табиатнинг соф кучоғида, Хурсанд дарёсининг шивирӣ остида зиёрат қилган инсоннинг қалбида гўё янги бир ҳаёт бошланади. Шу боис бу жой фақат ўтмишга эмас, келажакка ҳам хизмат қилувчи руҳий марказга айланган.

Бугунги тезкор ҳаётда инсоннинг маънавий озқуага бўлган эҳтиёжи янада ортиб бормоқда. Ана шундай пайтда Сўфий Ҳисорий-Хондизағий зиёратгоҳи бизга тарих орқали руҳий бойлиқни, ўтмишдаги инсонлар сабоғи орқали келажакдаги қарорларимизни мустаҳкамлашни ўргатмоқда.

Маънавият нуридан баҳраманд бўлиш, шукроналикни англаш, қалбга ором бағишлаш истағида бўлган ҳар қандай зиёратчи учун бу маскан эшиклари ҳамиша очик.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Спорт вазирлигида жорий йилнинг 16 — 27 июль кунлари Германияда ўтказиладиган Бутунжаҳон ёзги Универсиада ўйинларида Ўзбекистон делегацияси иштирокини муваффақиятли таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳафта оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40

Тошпирилди — 02.15

1 2 3 4 5 6